

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI

**191** Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–396-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни)

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–396-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 28 апрель,  
129-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 28 апрелдаги 129-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарорининг 2-бандидаги «молиявий ва жазо жарималарини қўллаган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг ўн еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазоларни қўллайди, йўл қўйилган қоида бузилишларида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судга беради»;

б) 8-банднинг ўн тўртинчи хатбошидаги «жарима солиш ва бошқа жазолар» сўзлари «маъмурий жазолар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳамда шаҳар ва туман архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил 11 ноябрдаги 294-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 499-модда) 1-илова 5-бандининг ўн тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазоларни қўллайди, йўл қўйилган қоида бузилишларида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судга беради».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда):

а) 1-илованинг 16-бандида:

«Вазирликлар ва идораларнинг номи» устунидаги «Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

«Шакллантириш манбаи» устунидаги матн қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига мувофиқ солинадиган жарималар суммаси (истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан)»;

б) 2-илованинг 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 222-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 67-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси тўғрисидаги намунавий низомда:

а) 6-банднинг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузади»;

б) 9-банднинг «е» кичик бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузади»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«техник тартибга солишнинг норматив ҳужжатлари талаблари бузилиши аниқланганда қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришни, сотиш ва қурилишда қўллашни тўхтатиб қўйиш. Тадбиркорлик субъекти фаолияти тўхтатиб қўйилишига олиб келувчи қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашнинг, қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришнинг тўхтатиб қўйилиши суд тартибида амалга оширилади, фавқулудда вазиятлар, эпидемиялар пайдо бўлишининг ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал таҳдиднинг олди олиниши муносабати билан фаолиятни ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно»;

в) 13-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Унинг учун маъмурий жазо бериш назарда тутилган шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари ҳолатлари юзасидан ёзма кўрсатма Инспекция раҳбарининг имзоси билан берилади».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 28 апрелдаги 129-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 86-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 18 майдаги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 32-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сон Қонуни) 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда) 1-илованинг 47-банди.